

Қримда тўрт юзга яқин масжид ва мадрасалар қайта тикланди



17:00 / 31.07.2023 1852

Охирги саккиз йил ичида Қримда тўрт юзга яқин масжид ва мадрасалар қайта тикланди. Бу ҳақда Россия мусулмонлари диний ассамблеяси муфтийси Альбир Крганов Россия-Африка иқтисодий ва гуманитар форумида маълум қилди.

«Охирги саккиз йил ичида Қримда тўрт юзга яқин масжид ва мадрасалар қайта тикланди ва очилди», - дейди муфтий.

Унинг таъкидлашича, Россия кўп миллатли жамиятда ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича ўз тажрибаси билан ўртоқлашишга тайёр.

Муфтий ўз нутқи давомида: «Россиянинг барча ҳудудларида масжид ва мадрасалар борлигини қўшимча қилди. Исломи Россияда ҳукмрон дин бўлмаса-да, унинг тарқалишига ҳеч ким тўсқинлик қилмайди», дея таъкидлади. — Қолаверса, кейинги пайтда диний идораларнинг давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлиги сезиларли даражада мустаҳкамланиб, натижада динга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, муқаддас китобларимиз, жумладан, Қуръони Каримни ҳимоя қилиш, мусулмонларнинг эътиқоди ва виждонини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди.

27-28 июль кунлари «Тинчлик, хавфсизлик ва тараққиёт учун» шиори остида Санкт-Петербургда Exroforum иқтисодий ва гуманитар форум бўлиб ўтди. Шу билан бир қаторда иккинчи Россия-Африка саммити ҳам ўтказилди. Ушбу тадбирлар Росконгресс жамғармаси томонидан ташкил этилди.